Аллоҳ таолога энг маҳбуб бўлган калом

10:14 / 12.12.2018 4365

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Аллоҳ таолога энг маҳбуб бўлган каломни айтайми? Аллоҳ таоло учун каломларнинг энг яхшиси**

سُبْحَانَ اللهِ وَبِحَمْدِهِ

«**Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи**», **деб айтишингдир»**, дедилар».

Бошқа ривоятда айтилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Қайси калом афзал?» деб сўрашди. У зот: «Аллоҳ фаришталари ёки бандалари айтишини ихтиёр қилган «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», калимасидир», дедилар», дейилган. Имом Муслим ривоятлари.

Имом Нававийнинг “Ал-Азкор” китобидан